

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ РАСУЛБЕК КУРЯЗОВИЧ

**ТАЖРИБАДА ЙИРИНГЛИ ЯРАЛАРДА УЛЬТРАБИНАФША
НУРЛАНИШНИ МАҲАЛЛИЙ ҚЎЛЛАШДА ИММУН-
МИКРОБИОЛОГИК ЎЗARO БОҒЛИҚЛИК ТАВСИФИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2024

УЎК: 616-002.3 : 612.843.63 : 612.017.1 : 579 : 612.085

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаев Расулбек Курязович

Тажрибада йирингли яраларда ультрабинафша нурланишни маҳаллий қўллашда иммун-микробиологик ўзаро боғлиқлик тавсифи 3

Абдуллаев Расулбек Курязович

Экспериментальная характеристика иммуномикробиологической взаимосвязи местного применения ультрафиолетового облучения на гнойные раны..... 25

Abdullayev Rasulbek Kuryazovich

Experimental description of the immuno-microbiological dependence of local application of ultraviolet radiation on purulent wounds 47

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛЛАЕВ РАСУЛБЕК КУРЯЗОВИЧ

**ТАЖРИБАДА ЙИРИНГЛИ ЯРАЛАРДА УЛЬТРАБИНАФША
НУРЛАНИШНИ МАҲАЛЛИЙ ҚЎЛЛАШДА ИММУН-
МИКРОБИОЛОГИК ЎЗARO БОҒЛИҚЛИК ТАВСИФИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/Tib547 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Ҳамдамов Бахтиёр Зарифович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

.....

тиббиёт фанлари доктори

.....

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

.....

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74.Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я.Ғулямов кўч, 74.Тел./факс:+99871-207-08-30, e-mail: immunologiya@qip.ru.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА академиги

Х.М. Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А.Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Маълумки, ультрабинафша нурлар бошқа нурларга қараганда териға фаол таъсир этиши, организмға таъсир этганда иссиқлик сезгисини келтириб чиқармаслиги, тери юза қатламида ютилиши, яъни 1 мм гача кириши билан тавсифланади. «...Унинг кўп қисми эпидермисда ютилади, қолган қисми эса терининг сўрғичли қатламиға, юзадаги томир чигалларига етиб боради, терида пигментлар бўлиши унинг ютилишини кўпайтиради, капиллярларини кенгайтиради, рангини ўзгартиради»¹. Ультрабинафша нурлардан йирингли-яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқ патологик ҳолатларда даволаш мақсадида фойдаланишнинг иммуно-микробиологик жиҳатларини клиник ва тажрибавий тадқиқотлар давомида ўрганиш, қиёсий баҳолаш ушбу даволаш усулининг юқори самарадорликға эға эканлигини кўрсатган. Йирингли яраларда ультрабинафша нурланишни маҳаллий қўллашда иммунологик ва микробиологик ўзаро боғлиқликларни аниқлаш ўз долзарблиги ва заруратини ҳозиргача йўқотмаган.

Дунё микёсида бугунги кунда ультрабинафша нурланиш ёрдамида даволаш, уни йирингли-яллиғланиш касалликлари даволаш мажмуасига киритиш, ушбу патологиялардан асоратлар қолишининг олдини олиш, ушбу даволаш усулини бажариш жараёнидан техника ва биологик хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш борасида хорижий ва ватандош тадқиқотчилар томонидан етарлича илмий манбалар чоп этилган, кўплаб клиник ва экспериментал тадқиқотлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётиға жорий этилган. Ультрабинафша нурлар фотоэлектрик, фотохимёвий таъсир қилиш хусусиятларига эғалиги ҳам кўрсатилган, бунда организм тўқималаридаги атомларға таъсир этиб, уларни кўзғатиши, кимёвий моддалар алмашинуви кучайишиға сабаб бўлши, бунинг натижасида биологик фаол моддалар ҳосил бўлиб, қонға сўрилиши, организмда жавоб реакцияларини юзаға келтириши исботланган. Улар бактерицид таъсир қилиш хусусиятиға эғалиги, бунда нур жароҳат юзаси, шиллиқ парда, ҳаводаги микроорганизмларға бевосита ҳалокатли таъсир кўрсатиши кўрсатиб берилган. Ушбу масалаларнинг иммунологик, микробиологик жиҳатлари кам бажарилганлиги масаланинг амалий тиббиёт учун муҳимлиги мавзунинг долзарблигидан далолатдир.

Мамлакатимизда аҳолиға юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, йирингли яраларда ультрабинафша нурланишни маҳаллий қўллашда иммунологик ва микробиологик ўзаро боғлиқликларни аниқлаш, патологик ҳолатлар сурункали кўринишға ўтмаслиги ва асоратлар юзаға чиқмаслиги учун оптимал даволашни таъминлаш бўйича улкан ишлар амалға оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисми 56-мақсадида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини

¹ Маркевич П.С., Алехнович А.В., Кисленко А.М., Есипов А.А. Применение ультрафиолетового излучения в современной медицине (обзор литературы) // Военно-медицинский журнал. – Москва, 2019. - №3. - С.30-36.

ривожлантириш дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Шунга асосан йирингли яраларда ультрабинафша нурланишни маҳаллий қўллашда иммуномикробиологик боғлиқликларни тажрибада қиёсий ўрганиш, уларни самарали даволашга янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Клиник амалиётда турли йирингли-яллиғланиш жараёнларида ҳосил бўладиган йирингли яраларни самарали даволаш, олдини олиш мақсадида инфрақизил ва ультрабинафша нурлар (УБ-нурлар) кенг қўлланилади (Хамдамов Б.З., 2017; Ходза И.Э. ва ҳаммуал., 2021; Elisabeth G Richard, 2020).

Ёруғлик оқимида уларнинг тўлқин узунлиги ҳар хил - инфрақизил нурлар 400 мкм дан 760 нм гача, УБ-нурлар 180-400 нм. Ютилган ёруғлик энергиясининг тўқималар билан ўзаро таъсир қилиши натижасида юзага келадиган маҳсулотлар терида жойлашган рецепторлар таъсирланишига сабаб бўлади, бунинг натижасида келиб чиқадиган импульслар ахборотни марказий асаб тизимига беради, терида морфологик ўзгаришлар рўй беради, биологик фаол моддалар ҳосил бўлади, улар қон ва лимфага тушиб, организмга тарқалади ҳамда турлича таъсир кўрсатади (Карандашов В.И., 2017; Дуденкова Н.А., Шубина О.С., 2022; Lee H., 2019).

Йирингли яралар учрашини камайтиришда жарроҳлик техникаси ва беморни парваришланишнинг умумий тамойиллари муҳим бўлиб, бир неча омилларнинг йиғиндиси керакли натижага олиб келади. Бир нечта сабаблар туфайли шошилини жарроҳликда йирингли яра муаммолари келиб чиқиши кузатилган. Яра асоратларининг спектри кенг бўлиб, инфекцион ва

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ноинфекцион, кичик ва катта асоратлар фарқланган. Кичик асоратлар тузалишга халақит бериши, аммо бирламчи битишни ўзгартира олмаслиги айтилган (Тилиявов Т.Б. ва ҳаммуал., 2018; Soundharaj S. et al., 2022).

Маълумки, нурларнинг бир қисми теридан қайтарилади, бир қисми эса организмга ютилади, иссиқлик ҳамда кимёвий энергияга айланади. Тўлқин узунлиги ҳар хил бўлган нурларнинг одам организмга ютилиш даражаси ўрганилган, ютилган энергия биологик таъсир кўрсатиши аниқланган (Панкова С.М. ва ҳаммуал., 2021; Marasini S. et al., 2021; Patra V. et al., 2023).

Организмга УБ-нурлар билан таъсир этилганда терида қизариш юзага келган, нурларнинг ўзи эса табиий ва сунъий ёруғлик манбаларидан олинади. Табиий ёруғлик манбаи қуёш бўлса, сунъий ёруғлик манбаларига ҳар хил аппаратлар кирган, УБ-нурлар симоб-кварц трубкали лампалар ёрдамида олинган (Башарина О.В. ва ҳаммуал., 2023; Anbualakan K. et al., 2022).

Тадқиқотлар натижалари бўйича, УБ-нурланишнинг (240-390 нм) 151 ва 755 Дж/м² дозаларда лимфоцитларнинг мембрана маркёрларига таъсири ўрганилган. УБ-нурлантирилган лимфоцитлар инкубацияси давомида уларнинг субпопуляциялари таркиби ўзгариши кўрсатилган. СД3+-, СД19+-, СД8+-, СД16+-, СД25+- ва СД95+-хужайраларнинг экспрессия даражаси ошиши аниқланган. Шу билан бирга, лимфоцитлар СД25+- ва СД95+-хужайралари сонининг кўпайиши шаклида фаоллашган, апоптозга учраган хужайралар сони эса дозага боғлиқ равишда ошган (Артюхов В.Г., 2016).

Тажрибада йирингли яраларда УБ-ни маҳаллий қўллашда иммунологик ҳамда микробиологик жиҳатлар орасидаги боғлиқликлар қиёсий жиҳатдан кам ўрганилгани ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (.....) «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлигига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» мавзуси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажрибада йирингли яраларда ультрабинафша нурланишни маҳаллий қўллашда иммунологик ва микробиологик жиҳатлар боғлиқлигини ўрганиш орқали антимикроб таъсири, шу ҳолатнинг иммун тизимига таъсирини аниқлаш ва асослашдан иборат бўлган.

Тадқиқот вазифалари:

ультрабинафша нурларнинг патоген ва шартли-патоген граммусбат кокклар ва грамманфий бактерияларга таъсир даражасини *in vitro* аниқлаш;

ультрабинафша нурлар билан маҳаллий таъсир қилиш натижасида йирингли яра чақирилган оқ зотсиз каламушлар иммун тизими асосий кўрсаткичларидаги ўзгаришларни аниқлаш ва қиёсий баҳолаш;

йирингли яра чақирилган оқ зотсиз каламушларга ультрабинафша нурлар билан маҳаллий таъсир қилиш натижасида цитокин статуси ўзгаришларини аниқлаш ва қиёсий баҳолаш;

ультрабинафша нурлар экспозицияси ва давомийлигига қараб уларнинг иммуно-микробиологик жиҳатларини ўрганиш орқали йирингли яраларда қўллашнинг оптимал таъсир доирасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 100 та оқ зотсиз каламушлар, граммусбат кокклар, грамманфий бактериялар госпитал штамлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон, қон зардоби, микроорганизмлар культуралари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш учун тажрибавий, иммунологик, микробиологик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

граммусбат кокклар (*S.aureus*, *S.epidermidis*) чақирган тажрибавий йирингли яраларда IgA назорат гуруҳидан 1,27 мартага пасайган бўлса, IgG, IgM, IgE концентрациялари 1,27, 1,44 ва 1,09 мартагача ишонарли даражада ошган, прокальцитонин 2,0, IL-1 β 20,85, IL-10 бўлса 37,46 мартага ишонарли равишда кўпайган, УБ-нурланиш олмаган лаборатория ҳайвонлари иммун тизими асосий кўрсаткичлари УБ-нурланиш олганлардан ишонарли даражада фарқли бўлгани исботланган;

грамманфий бактериялар (*E.coli*, *P.aeruginosa*) чақирган йирингли яраларда иммунологик кўрсаткичлар назорат гуруҳидан ишонарли даражада фарқ қилган, иммун тизим кўрсаткичлари ўзгаришлари интенсивлиги УБ-нурланиш олган гуруҳда ишонарли даражада юқори бўлган, УБ-нурланиш олмаган ҳайвонларда аллергик фон йўқлиги грамманфий бактериялар ҳужайра деворининг тузилиши билан изоҳланган; УБ-нурланиш олган ва олмаган ҳайвонларда гуруҳлараро тафовутни аниқ ифодалайдиган параметрлар - IgE, прокальцитонин, IL-1 β , IL-10 эканлиги кўрсатилган;

УБ-нурланишни маҳаллий қўллаш тажрибада лаборатория ҳайвонлари иммун тизимига ижобий таъсир этиб, шу тизимдаги зўриқишни пасайтирган, кўрсаткичларнинг меъёрий параметрлар томонга пасайишига олиб келган. УБ-нурланиш иммун тизимига бевосита ва билвосита таъсир қилиш хусусиятига эгалиги исботланган, яққол намоён бўладиган, юқори сезгирлик ва махсусликка эга IgE, прокальцитонин, IL-1 β ва IL-10 тажрибавий тадқиқотда йирингли яралар чақирғишда иммун тизими ҳолатини баҳолаш имконини берадиган ташхисий ва касаллик якуни, УБ-нурланиш самарадорлиги истиқболини белгиловчи маркёрлар сифатида тавсия этилган;

УБ-нурланиш *in vitro* таъсирида *Staphylococcus aureus* нинг экмадаги яшовчанлик даражаси *Staphylococcus epidermidis* униш параметрларидан 2,58 мартага ишонарли даражада юқори, *Pseudomonas aeruginosa* нинг *Escherichia coli* га нисбатан экмада яшовчанлик даражаси 1,5 мартага кам бўлган, барча штамлар УБ-нурланиш таъсир қилмаган экмаларга нисбатан 2 қаторгача кам аниқланган, ушбу тафовут сабаби сифатида штамлар патогенлик омиллари ва пигмент ҳосил биологик хусусиятларининг аниқланиш даражаси кўрсатилган, ушбу омиллар борлиги штамнинг УБ-нурланиш таъсирига резистентлигини белгилаши исботланган, патогенлик омиллари штамларнинг УБ-нурланишга резистентлиги оширса, пигмент ҳосил қилиши эса, аксинча камайтирилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

граммусбат кокklar ва грамманфий бактериялар чақирган тажрибавий йирингли яралар ривожлангач, цитокинларнинг қон зардобдаги ошиш тенденцияси бир хил бўлса ҳам, ўзгаришлар интенсивлиги граммусбат кокklarда грамманфий бактерияларга нисбатан ишонарли юқори бўлган, УБ-нурланишни маҳаллий қўллаш цитокинлар миқдорларининг ишонарли равишда пасайишига сабаб бўлган, аммо шунда ҳам меъёр чегараларига етмаган, бундай ҳолат цитокинларни сезгир маркёрлар сифатида қўшимча ташхисий ва прогностик мақсадларда соғлиқни сақлаш амалиётида фойдаланиш учун тавсия этиш имконини берган;

УБ-нурланиш олган ва олмаган гуруҳларга мансуб ҳайвонлар иммун тизими ўзгаришларини интакт лаборатория ҳайвонлари натижаларига қиёслаб, ишонарли даражада тавовутлар борлиги аниқланган, олинган натижалар асосида йирингли яралар, улар қўзғатувчилари ҳамда УБ-нурланишни маҳаллий қўллашнинг иммун тизимига таъсир даражаси исботланган, даволаш тадбирларини белгилашда қўзғатувчиларнинг тури, патогенлик даражаси, пигмент ҳосил қилиш каби биологик хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги кўрсатиб берилган;

УБ-нурланишнинг *in vitro* таъсирида экмада *Staphylococcus aureus* нинг яшовчанлик даражаси *Staphylococcus epidermidis* га нисбатан 2,58 марта, *Escherichia coli* ники бўлса *Pseudomonas aeruginosa* га нисбатан 1,5 мартага кўп бўлган, ушбу тафовут сабаби сифатида штаммлар патогенлик омиллари (гиалуронидаза, палазмакоагулаза, лецитиназа, гемолитик фаоллик) ва пигмент ҳосил қилиши каби биологик хусусиятлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, штаммларнинг патогенлик хусусияти қанчалик юқори бўлса, унинг УБ-нурланиш таъсирига резистентлиги юқори бўлиши исботланган, аксинча пигмент ҳосил қилиши қанчалик кучли бўлса, унинг УБ-нурланишга резистентлиги паст бўлиши кўрсатилган;

иммун тизимига таалуқли ўрганилган кўрсаткичлар орасида юқори сезгирлик ва махсусликка эга маркёрлар сифатида IgE, прокальцитонин, IL-1 β ва IL-10 каби параметрлар йирингли яралар шаклланиши, яллиғланиш жараёни ривожланиши, йирингли яралар қўзғатувчилари таъсир даражасини баҳолаш мақсадида ташхисий ҳамда касаллик якуни, УБ-нурланиш билан даволаш самараси истиқболини белгиловчи иммунологик маркёрлар сифатида фойдаланиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи тажрибавий, иммунологик, бактериологик ва статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли миқдордаги тажрибавий материал, иммуно-микробиологик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланилганлиги, олинган параметрларнинг назарий ва амалий жиҳатдан тасдиқланганлиги, уларнинг ватандош ва хорижий тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотлар билан қиёсланганда ишончилиги, келтирилган хулосаларнинг асосланганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти граммусбат кокклар - *S.aureus*, *S.epidermidis* чақирган тажрибавий йирингли яраларда IgA назорат гуруҳидан 1,27 мартага пасайганлиги, IgG, IgM, IgE концентрациялари 1,27, 1,44 ва 1,09 мартагача ишонарли даражада ошганлиги, прокальцитонин 2,0, IL-1 β 20,85, IL-10 37,46 мартага ишонарли равишда кўпайганлиги аниқланганлиги, грамманфий бактериялар - *E.coli*, *P.aeruginosa* чақирган йирингли яраларда иммунологик кўрсаткичлар назорат гуруҳидан ишонарли даражада фарқ қилганлиги, иммун тизим кўрсаткичлари ўзгаришлари интенсивлиги УБ-нурланиш олган гуруҳда ишонарли даражада юқори бўлгани, УБ-нурланиш олган ва олмаган ҳайвонларда гуруҳлараро тафовутни аниқ ифодалайдиган параметрлар - IgE, прокальцитонин, IL-1 β , IL-10 эканлиги кўрсатилганлиги, УБ-нурланишни маҳаллий қўллаш тажрибада лаборатория ҳайвонлари иммун тизимига ижобий таъсир этиб, шу тизимдаги зўриқишни пасайтирганлиги, юқори сезгирлик ва махсусликка эга IgE, прокальцитонин, IL-1 β ва IL-10 йирингли яраларда ташҳисий ва истиқболни белгиловчи маркёрлар сифатида тавсия этилганлиги, штаммлар патогенлик омиллари ва пигмент ҳосил хусусиятларининг борлиги штаммнинг УБ-нурланиш таъсирига резистентлигини белгилаши исботланганлиги, патогенлик омиллари уларнинг УБ-нурланишга резистентлиги оширса, пигмент ҳосил қилиши камайтириши исботланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тажрибавий йирингли яраларда, цитокинлар ўзгаришлар интенсивлиги граммусбат коккларда грамманфий бактерияларга нисбатан ишонарли юқори бўлганлиги, УБ-нурланишни маҳаллий қўллаш ц77итокинлар миқдорларининг ишонарли равишда пасайишига сабаб бўлгани аниқлангани, УБ-нурланиш олган ва олмаган ҳайвонлар иммун тизими ўзгаришларида тафовутлар борлиги аниқлангани, олинган натижалар асосида йирингли яралар, улар қўзғатувчилари ҳамда УБ-нурланишни маҳаллий қўллашнинг иммун тизимига таъсир даражаси исботлангани, даволашни белгилашда қўзғатувчи тури, патогенлик даражаси, пигмент ҳосил қилиш ҳисобга олиниши лозимлиги кўрсатилганлиги, штаммлар патогенлик хусусияти қанчалик юқори бўлса, унинг УБ-нурланиш таъсирига резистентлиги юқори бўлиши исботлангани, аксинча пигмент ҳосил қилиши қанчалик кучли бўлса, унинг УБ-нурланишга резистентлиги паст бўлиши кўрсатилгани, IgE, прокальцитонин, IL-1 β ва IL-10 каби параметрлар ташҳисий ҳамда прогностик мезонлар амалий соғлиқни сақлашга фойдаланиш тавсия этилганлиги билан изоҳланган...

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тажрибада йирингли яраларда ультрабинафша нурланишни маҳаллий қўллашда иммун-микробиологик боғлиқлик тавсифи бўйича олинган натижаларга асосланиб:

иммунологик ва микробиологик тадқиқотларда лаборатория ҳайвонларини тадқиқотга жалб этиш имконини берувчи «Иммунологик ва микробиологик тажрибавий тадқиқотлар учун лаборатория ҳайвонларини танлаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 17 апрелдаги 23-м/026-сон

хулосаси). Услубий тавсиянома йирингли яраларда ультрабинафша нурланишни маҳаллий қўллашда иммун-микробиологик боғлиқликларни тажрибада ўрганиш имконини берган;

тажрибада йирингли яраларда ультрабинафша нурланишни маҳаллий қўллашда иммун-микробиологик боғлиқлик тавсифи бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Санитария ва эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Бухоро ва Хоразм вилояти бошқармаси тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сон хулосаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган илмий-тадқиқот иши долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ультрабинафша нурларнинг одам организмига таъсир даражаси, йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашда қўллашнинг замонавий ҳолати: илмий манбалар шарҳи**», деб номланиб, танланган мавзу бўйича ватандош ва хорижий тадқиқотчиларнинг охириги йилларда эълон қилган илмий манбалари шарҳи келтирилган. Унда УБ-нурларнинг одам организми ва фаолиятига таъсир даражаси ҳолати, ушбу нурларнинг турли авлод ва турларга мансуб микроорганизмларга таъсирининг ўзига хос хусусиятлари, УБ-нурларнинг организм иммун тизимига таъсир даражасини ўрганиш бўйича клиник ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг таҳлили батафсил келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Йирингли яраларда ультрабинафша нурланишни қўллашда иммун-микробиологик ўзаро боғлиқликни**

ўрганиш бўйича материал ва усуллар», деб номланиб, унда диссертация иши бўйича материал ва усуллар баён этилган.

Ушбу диссертация ишини бажариш жараёнида ўтказилган барча тажрибавий тадқиқотлар сериялари диссертация ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, режалаштирилган, тадқиқотнинг охиригача уни бажариш жараёнида белгиланган режадан четлашишга мажбур қиладиган ҳолатлар кузатилмаган. Барча тажрибавий тадқиқотлар 3 босқичда олиб борилган: бошланғич босқич, бажариш босқичи, якуний босқич. Кейин олинган маълумотлар тизимланган, статистик ишланган, талқин ва таҳлил қилинган. Натижалар тегишли жадвал, диаграммалар кўринишида тайёрланган, ёзилган, диссертация ҳолатига келтирилган, ушбу ишни ёзиш муаллиф томонидан илмий раҳбарнинг назорати остида амалга оширилган.

Тажрибавий тадқиқотлар учун иккала жинсга мансуб, 160-180 грамм оғирликдаги 100 та оқ зотсиз каламушлар танланган. Барча лаборатория ҳайвонлари битта виварийдан олинган ва бир хил ёшда бўлган. Ушбу 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар нисбий намлик (50-60%), ҳарорат (19-22⁰С) ва ёруғлик режимида (12 соат қоронғулик ва 12 соат ёруғлик) стандарт виварий шароитида сақланган. Лаборатория ҳайвонларини парваришлаш, боқиш ва гуруҳларга ажратишда Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал. (2016) услубий қўлланмасида кўрсатилган тавсиялардан келиб чиқилган. Лаборатория ҳайвонларини сақлаш, жонсизлантириш ва анатомик ёришда барча биологик хавфсизлик қоидалари ва лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойилларига қатъий риоя қилинган. Лаборатория ҳайвонлари (оқ зотсиз каламушлар) билан тажрибалар ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Этик қўмитадан рухсатнома олинди (2022 йил 14 декабрдаги 11/25-сон расмий хат, 2022 йил 22 декабрдаги 8/14-1724-сонли баённома).

Барча тажрибаларга жалб қилинган лаборатория ҳайвонлари тажриба вазифаларидан келиб чиқиб, 3 та гуруҳга ажратилган:

асосий гуруҳ - стандарт виварий рационидан бўлган, йирингли яра чақирилган, УФ-нурланишни маҳаллий олган оқ зотсиз каламушлар (n=40);

қиёслаш гуруҳи - стандарт виварий рационидан бўлган, йирингли яра чақирилган, УФ-нурланиш олмаган оқ зотсиз каламушлар (n=40);

назорат гуруҳи - стандарт виварий рационидан бўлган, йирингли яра чақирилмаган, УФ-нурланиш олмаган интакт оқ зотсиз каламушлар (n=20).

Асосий ва қиёслаш гуруҳлари 2 тадан гуруҳчаларга бўлинган:

1а гуруҳча - стандарт виварий рационидан бўлган, йирингли яра граммусбат кокклар (*Staphylococcus aureus*, *Staphylococcus epidermidis* госпитал штамлари) ёрдамида чақирилган, УФ-нурланиш олган оқ зотсиз каламушлар (n=20);

1б гуруҳча - стандарт виварий рационидан бўлган, йирингли яра граммусбат кокклар (*Staphylococcus aureus*, *Staphylococcus epidermidis* госпитал штамлари) ёрдамида чақирилган, УФ-нурланиш олмаган оқ зотсиз каламушлар (n=20);

2а гуруҳча - стандарт виварий рациониди бўлган, йирингли яра грамманфий бактериялар (*Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa* госпитал штамлари) ёрдамида чақирилган, УФ-нурланиш олган оқ зотсиз каламушлар (n=20);

2б гуруҳча - стандарт виварий рациониди бўлган, йирингли яра грамманфий бактериялар (*Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa* госпитал штамлари) ёрдамида чақирилган, УФ-нурланиш олмаган оқ зотсиз каламушлар (n=20).

Оқ зотсиз каламушлардан шакллантирилган асосий ва қиёслаш гуруҳлари бир бирига репрезентатив эканлиги кўрсатиб берилган, чунки уларда гуруҳлараро тафовут битта белги - УФ-нурланишни маҳаллий олганлиги ёки олмаганлиги билан фарқ қилган. Гуруҳлараро қиёслаш натижасида олинган маълумотлар тажрибанинг ҳаққонийлиги ва софлигини таъминлаган.

Лаборатория ҳайвонларида йирингли яралар чақириш учун бемор одамлар йирингидан ажратиб олинган госпитал штаммлардан (*Staphylococcus aureus*, *Staphylococcus epidermidis*, *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa*) фойдаланилган. Микроорганизмлар идентификацияси ва дифференциацияси *Bergy's Manual Systematic Bacteriology* (1997) бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси қошидаги ўқув-илмий бактериологик лабораторияда олиб борилди. Бактериологик текширишлар учун «HiMedia» фирмаси (Ҳиндистон) озик муҳитларидан фойдаланилган.

Қон зардобидидаги IgA, IgM, IgG, IgE иммунофермент анализ (ИФА) ёрдамида 2022 йилда ишлаб чиқарилган аппаратдан (MR-96A MindrayCo.Ltd, ХХР) фойдаланилган ҳолда аниқланган. IgA нинг концентрацияси «Вектор Бест» (Новосибирск, РФ) МЧЖ ва IgM, IgG, IgE «ХЕМА» (Москва, РФ) МЧЖ тест-тўпламлари ёрдамида аниқланган.

Прокальцитонин концентрациясини аниқлаш учун қон зардобиди олинди, ИФА ёрдамида текшириш ўтказилган. Бунда прокальцитонин «Вектор Бест» (Новосибирск, РФ) МЧЖ тест-тўпламларидан фойдаланилган ҳолда аниқланган.

Қон зардобидидаги цитокинларни аниқлаш учун лаборатория ҳайвонлари қон зардобиди олинган ва ИФА ёрдамида текшириш ўтказилган. Бунда «Вектор Бест» (Новосибирск, РФ) МЧЖ тест-тўпламлардан фойдаланилган ҳолда интерлейкин - 1β (IL-1β), интерлейкин-10 (IL-10) миқдорлари аниқланган.

Олинган материални статистик ишлаш анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида «Excel» дастуридан фойдаланиб, амалга оширилган. Ўртача арифметик катталиқ (M), ўртача арифметик хато (m) каби параметрлар ҳисобланган. Фарқлар аҳамияти Фишер-Стьюдент мезони бўйича (P) аниқланган. Агар эҳтимоллик даражаси $P < 0,05$ бўлса, кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишонарли, деб ҳисобланган. Статистик ишлов «Pentium IV» процессорлари асосидаги персонал компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпламидан

фойдаланилган. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига қатъий амал қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Йирингли яраларни ультрабинафша нурлар билан тажрибада маҳаллий даволашнинг иммунологик жиҳатлари**», деб номланиб, тажрибада чақирилган йирингли яраларни УБ-нурлар билан маҳаллий даволашнинг иммунологик жиҳатлари баён этилган.

Йирингли-яллиғланиш жараёнлари билан кечадиган ҳар қандай патология бошқа соматик касалликлардан бир нечта хусусиятлари билан фарқ қилиши маълум: биринчиси, ушбу жараённинг қўзғатувчилари борлиги, иккинчиси, организмда турли локализациядаги йирингли ўчоқлар пайдо бўлиши, учинчиси, ушбу жараённинг организмдаги барча тизим ҳамда аъзоларга салбий таъсири, тўртинчиси, ушбу ҳолатларни даволашда консерватив ва оператив усулларнинг биргаликда қўлланилиши бўлса, бешинчиси, қўзғатувчилар орасида антибактериал препаратларга чидамли ва касалхона ичи инфекцияларига тааллуқли штаммларнинг борлиги. Ушбу хусусиятлар шу ҳолат билан боғлиқ касалликлар кечишининг ўзига хослиги, давосининг эътибор талаб қилиши билан боғлиқ.

Охири йилларда ЙЯК даволаш учун улар шаклланиши, ривожланиши, патогенези, клиник кечиши ва давоси бўйича кўплаб клиник тадқиқотлар билан биргаликда лаборатория ҳайвонларини жалб қилган ҳолда тажрибавий тадқиқотлар ҳам ўтказилган. Унда конкрет даволаш усулларининг маълум локализациядаги йирингли асоратларга, улар чақирган қўзғатувчиларга таъсир доираси ҳам ўрганилган. Шунингдек, УБ-нурланишнинг турли микроорганизмларга бактерицид/бактериостатик таъсири исботланган тадқиқотлар натижалари эълон қилинган илмий манбалар ҳам етарли (Жданов О.С. ва ҳаммуал., 2013; Хамдамов Б.З. ва ҳаммуал., 2021). Аммо, бу тадқиқотларда иммун тизим ҳолатидаги ўзгаришлар очиб берилмаган.

Иммун тизими кўрсаткичлари сифатида гуморал иммунитет вакиллари (IgA, IgG, IgM ва IgE), махсус бўлмаган резистентлик омили (прокальцитонин) ва цитонин статусини баҳолаш имконини берувчи (IL-1β ва IL-10) цитокинлар лаборатория ҳайвонлари қон зардобидида аниқланган. Иммун тизими айнан шу кўрсаткичларининг танланишига сабаблар қуйидагилар: биринчидан, улар гуморал иммунитет, махсус бўлмаган резистентлик омиллари, цитокинларнинг типик вакиллари ҳисобланишади ва иммун тизимининг шу бўғинлари тўғрисида тўлиқ ахборот бера олади; иккинчидан, улар ҳар қандай ташқи омилга тез ва етарли даражадаги ўзгаришлар билан жавоб бера олади; учинчидан, уларни аниқлаш осон, арзон ва кўп меҳнат талаб қилмайди; тўртинчидан, улардаги ўзгаришлар даражаси бўйича УБ-нурланишнинг маҳаллий таъсири бўйича хулосалар қилиш мумкин; бешинчидан, ушбу кўрсаткичлардан амалий соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида ҳам фойдаланиш самарали ҳамда қулай ҳисобланади.

Тажрибавий тадқиқотга жалб этилган интакт оқ зотсиз каламушлар (n=20) қон зардобидидаги IgA, IgG, IgM, IgE ларни ўрганиш уларнинг референс кўрсаткичлар чегараларида бўлганини кўрсатган. Интакт лаборатория

хайвонлари махсус бўлмаган ҳимоя омили (прокальцитонин) ва цитокин статуси (IL-1 β , IL-10) вакиллари қон зардобидаги концентрациялари ушбу параметрлар учун референс кўрсаткичлар доирасида бўлган.

Сабабчиси граммусбат кокклар (*S.aureus*, *S.epidermidis* - 2а гуруҳча) бўлган йирингли яралар чақирилиши лаборатория ҳайвони (оқ зотсиз каламушлар) организми иммун тизими фаоллашганини кўрсатган (1-жадвал), бу организмда яллиғланиш жараёни шаклланиши, организм иммун тизими ва патогенлар орасида тўқнашув бошланганини кўрсатган. Бу ҳолат қон зардобидаги имуноглобулинлар миқдорида дисбаланс кузатилгани билан ифодаланган. IgA миқдори таққослаш гуруҳида назорат гуруҳида 1,27 мартага ишонарли равишда пасайган бўлса ($P<0,05$), IgG ва IgM концентрациялари, аксинча 1,27 ва 1,44 мартагача ишонарли равишда ошган ($P<0,05$). Шунга ўхшаш натижа IgE бўйича ҳам кузатилган - 1,09 мартагача кўпайиш ($P<0,05$). Ушбу миқдорий ўзгаришлар организмда яллиғланиш жараёни шаклланиши, бирламчи иммун жавоб ривожлангани, В-лимфоцитлар пролиферацияси кучайганидан далолатдир.

1-жадвал

Тажрибада йирингли яралар чақирилганда организм иммун тизими параметрларининг қиёсий таҳлил натижалари

Кўрсаткичлар	Лаборатория ҳайвонлари		
	Назорат	2а гуруҳча	2б гуруҳча
IgA, г/л	2,14 \pm 0,04	1,69 \pm 0,05* ↓	1,72 \pm 0,05* ↓
IgG, г/л	14,22 \pm 0,75	18,06 \pm 0,70* ↑	15,89 \pm 0,77* ↑ ^
IgM, г/л	1,72 \pm 0,06	2,47 \pm 0,13* ↑	2,05 \pm 0,09* ↑ ^
IgE, ХБ/мл	190,62 \pm 2,82	208,60 \pm 6,91* ↑	194,88 \pm 6,63* ↔ ^
IL-1 β , нг/мл	0,92 \pm 0,06	19,18 \pm 0,83* ↑	14,58 \pm 0,48* ↑ ^
IL-10, нг/мл	0,69 \pm 0,08	25,85 \pm 2,27* ↑	19,42 \pm 0,88* ↑ ^
Прокальцитонин, нг/мл	0,05 \pm 0,01	0,10 \pm 0,01* ↑	0,05 \pm 0,01* ↔ ^

Эслатма: * - назорат гуруҳи параметрларидан ишонарли тафовут белгиси; ↑, ↓ - ўзгаришлар йўналишлари; ↔ - ишонарли фарқ мавжуд эмас; ^ - таққослаш гуруҳига мансуб гуруҳлараро тафовут.

Агар прокальцитонин таққослаш гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 2,0 мартага ошган бўлса, IL-1 β 20,85 мартага, IL-10 бўлса 37,46 мартага ишонарли равишда ошган ($P<0,001$). Бундай ҳолат яллиғланиш жараёни прокальцитонин ва цитокинлар миқдорида кучли таъсир қилганини кўрсатган. Яққол намоён бўладиган, юқори сезгирлик ва махсусликка эга IL-1 β ва IL-10 цитокинлари ҳам прокальцитонин билан биргаликда тажрибавий тадқиқотда йирингли яралар чақиришда диагностик ва прогностик маркёрлар сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган.

Худди шундай тақиқотлар таққослаш гуруҳининг 2б гуруҳчаси билан ҳам ўтказилган, унда тажрибада йирингли яралар асосан грумманфий бактериялар (*E.coli*, *P.aeruginosa*) томонидан чақирилган (1-жадвал).

2б гуруҳча кўрсаткичлари ҳам асосан назорат гуруҳи параметрларидан фарқ қилган, фақат келтирилган 7 та кўрсаткичдан 2 тасида (28,57%) ишонарли тафовут аниқланмаган, қолганлари эса (71,43%) ишонарли равишда фарқ қилган ($P < 0,05$). IgA бўйича камайиш, IgG ва IgM бўйича кўпайиш тенденциялари олдинги 2а гуруҳчага ўхшаш бўлган. Эътиборлиси шундаки, IgE концентрацияси назорат гуруҳидан фарқ қилмаган ($P > 0,05$), бу эса ушбу ҳайвонларда аллергик фон амалий жиҳатдан йўқлигини кўрсатган. Агар ушбу гуруҳчада йирингли ярани грамманфий бактериялар чақирганини ҳисобга олсак, аллергик фонниг йўқлиги ушбу микроорганизмлар хужайра деворининг ўзига хос структураси, патогенлик омилларининг (коагулаза, гиалуронидаза, лецитиназа фаоллиги, гемолитик хусусият) йўқлиги ёки кам намоён бўлиши билан тавсифланган.

Шунга ўхшаш натижа прокальцитонин бўйича ҳам кузатилиб, назорат ва 2б гуруҳча параметрлари орасида ишонарли равишдаги фарқнинг йўқлиги билан ифодаланган. Улардан фарқли равишда цитокинлар концентрациясида ишонарли тафовут сақланиб қолган. IL-1 β 2б гуруҳчада назорат гуруҳига нисбатан ўртача 15,85 мартагача статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада кўплиги аниқланган ($P < 0,01$). Демак, тажрибада йирингли яра кўзгатувчилари грамманфий бактериялар бўлганда ўзгаришлар тенденцияси 2а гуруҳчага ўхшаш бўлса ҳам, ўзгаришлар нитенсивлиги пастлиги билан ажралиб турган, 2 та кўрсаткич бўлса (IgE, прокальцитонин) назорат гуруҳидан умуман фарқ қилмагани эътиборни жалб қиладиган ҳолат сифатида эътироф этилган.

2а- ва 2б гуруҳчалар бўйича олинган иммун тизим кўрсаткичларида қуйидаги аниқ тафовутлар кузатилган: биринчидан, 2а гуруҳчада барча 7 та иммунологик кўрсаткичлар назорат гуруҳидан ишонарли даражада фарқ қилган, 2б гуруҳчада 2 та параметрда (IgE, прокальцитонин) ишонарли фарқ аниқланмаган; иккинчидан, иммун тизим кўрсаткичлари ўзгаришлар тенденцияси ҳар иккала гуруҳчада амалий жиҳатдан бир хил бўлган бўлса, ўзгаришлар интенсивлиги 2а гуруҳчада сезиларли даражада юқори бўлган; учинчидан, 2а ва 2б гуруҳчалар барча параметрларининг 85,71% и бир биридан ишонарли фарқ қилган; тўртинчидан, 2б гуруҳчада аллергик фон йўқлиги грамманфий бактериялар (*E.coli*, *P.aeruginosa*) хужайра деворининг тузилиши, патогенлик омилларининг йўқлиги ёки камлиги билан изоҳланган; бешинчидан, гуруҳлараро (2а ва 2б гуруҳча) фарқни аниқ ифодалайдиган параметрлар IgE, прокальцитонин, IL-1 β , IL-10 эканлиги кўрсатиб берилган.

Шунга ўхшаш тадқиқотлар назорат ва таққослаш гуруҳлари билан бир қаторда асосий гуруҳга ($n=40$) бирлаштирилган оқ зотсиз каламушларда ҳам ўтказилган. Асосий гуруҳ йирингли яра чақирилгач, 3-4 кундан кейин УБ-нурланиш маҳаллий таъсир этирилгани билан назорат ва таққослаш гуруҳларидан фарқ қилган. Ушбу гуруҳда ҳам асосий кўзгатувчилар *S.aureus*, *S.epidermidis* каби граммаусбат кокклар (1а гуруҳча), *E.coli*, *P.aeruginosa* каби грамманфий бактериялар (1б гуруҳча) бўлишган.

УБ-нурланиш олмаган лаборатория ҳайвонлари қон зардобидидаги иммун тизими микдорий параметрларининг барчасида ишонарли даражадаги

Ўзгаришлар аниқланган бўлса ($P < 0,05$ - $P < 0,001$), УБ-нурланиш олган лаборатория ҳайвонларида кескин ўзгаришлар кузатилмаган (2-жадвал), уларнинг 4 тасида (57,14%) ишонарли ўзгаришлар қайд этилган бўлса, 3 та параметр (42,86%) назорат гуруҳи кўрсаткичлари чегараларида бўлган.

2-жадвал

Тажрибавий йирингли яралар қўзғатувчилари граммусбат кокклар бўлганда УБ-нурланиш олган ва олмаган лаборатория ҳайвонлари иммун тизими кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Лаборатория ҳайвонлари		
	Назорат гуруҳи, n=20	2а гуруҳча, n=20	1а гуруҳча, n=20
IgA, г/л	2,14±0,04	1,69±0,05* ↓	2,20±0,06 ↔ ^
IgG, г/л	14,22±0,75	18,06±0,70* ↑	22,67±0,96* ↑ ^
IgM, г/л	1,72±0,06	2,47±0,13* ↑	2,60±0,13* ↑
IgE, ХБ/мл	190,62±2,82	208,60±6,91* ↑	179,26±4,89 ↔ ^
IL-1β, нг/мл	0,92±0,06	19,18±0,83* ↑	1,81±0,92* ↑ ^
IL-10, нг/мл	0,69±0,08	25,85±2,27* ↑	3,32±1,24* ↑ ^
Прокальцитонин, нг/мл	0,05±0,01	0,10±0,01* ↑	0,05±0,01 ↔ ^

Эслатма: * - назорат гуруҳи параметрларидан ишонарли тафовут белгиси; ↑, ↓ - ўзгаришлар йўналишлари; ↔ - ишонарли фарқ мавжуд эмас; ^ - УБ-нурланиш олмаганларга нисбатан ишонарли фарқ белгиси.

УБ-нурланиш олган лаборатория ҳайвонлари (1а гуруҳча) қон зардобдаги иммун тизими асосий кўрсаткичларида ўзига хос хусусиятлар аниқланиб, улар 2а гуруҳча параметрларидан (УБ-нурланиш олмаган) кескин фарқ қилган. Параметрлар бўйича дисбаланс IgA, IgE ва прокальцитонин бўйича кузатилган, IgG ва IgM кўрсаткичлари УБ-нурланиш таъсирида кўпайиб, назорат ва 2а гуруҳча кўрсаткичларидан ҳам кўп бўлган. Цитокинлар бўйича ўзгаришлар тенденцияси бир хил бўлса ҳам, ўзгаришлар интенсивлиги бўйича гуруҳлараро кескин фарқ УБ-нурланиш олмаган лаборатория ҳайвонларида кузатилмаган. Цитокинлар концентрациясининг УБ-нурланишдан сўнг меъёр параметрларигача пасайиши яллиғланиш жараёни сўнаётганидан далолатдир. Агар УБ-нурланишнинг иммун тизими ҳолатини стимуллаши, йирингли яралар қўзғатувчиларига бактерицид таъсири борлиги, ярадаги маҳаллий регенерацияни кучайтиришини ҳисобга олсак, граммусбат кокклар чақирган ЙЯК да УБ-нурланиш маҳаллий қўлланилишининг клиник-иммунологик самараси юқорилиги исботлаб берилган. Ушбу патологиялар ривожланиш даражаси, уларни УБ-нурланиш билан маҳаллий даволаш самарадорлигини аниқлаш учун тажрибавий тадқиқотларда диагностик ҳамда прогностик маркёрлар сифатида сезгирлиги ва махсуслиги юқори бўлган IgE, прокальцитонин, IL-1β ва IL-10 каби иммунологик кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилган.

Шунга ўхшаш тадқиқотлар тажрибада йирингли яраларни грамманфий бактериялар чақирган лаборатория ҳайвонлари (n=20) билан ҳам ўтказилган, уларда ҳам 3-4 кундан сўнг УБ-нурланиш маҳаллий ўтказилган (3-жадвал).

3-жадвал

Тажрибавий йирингли яралар қўзғатувчилари грамманфий бактериялар бўлганда УБ-нурланиш олган ва олмаган лаборатория ҳайвонлари иммун тизими кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Лаборатория ҳайвонлари		
	Назорат гуруҳи, n=20	2б гуруҳча, n=20	1б гуруҳча, n=20
IgA, г/л	2,14±0,04	1,72±0,05* ↓	2,05±0,08 ↔ ^
IgG, г/л	14,22±0,75	15,89±0,77* ↑ ^	2032±0,73* ↑ ^
IgM, г/л	1,72±0,06	2,05±0,09* ↑ ^	2,19±0,13* ↑
IgE, ХБ/мл	190,62±2,82	194,88±6,63* ↔ ^	202,19±5,40* ↑
IL-1β, нг/мл	0,92±0,06	14,58±0,48* ↑ ^	1,66±0,15* ↑ ^
IL-10, нг/мл	0,69±0,08	19,42±0,88* ↑ ^	2,60±0,10* ↑ ^
Прокальцитонин, нг/мл	0,05±0,01	0,05±0,01* ↔ ^	0,05±0,01 ↔

Эслатма: * - назорат гуруҳи параметрларидан ишонарли тафовут белгиси; ↑, ↓ - ўзгаришлар йўналишлари; ↔ - ишонарли фарқ мавжуд эмас; ^ - УБ-нурланиш олмаганларга нисбатан ишонарли фарқ белгиси.

Тажрибавий йирингли яралар қўзғатувчилари грамманфий бактериялар бўлганда УБ-нурланиш олмаган ҳайвонлардан фарқли бўлган. Ўрганилган 7 та иммунологик кўрсаткичдан 2 таси (28,57%) меъёр чегараларигача камайган бўлса, қолганларида (71,43%) ишонарли ўзгаришлар сақланиб қолган, аммо IgE бўйича ишонарли рақамлар олинган бўлса ҳам улар миқдори кам ўзгарган, шу сабабли унда ўзгариш йўқ, деб талқин қилинган. Имуноглобулинлар орасида дисбаланс аниқланмагани ҳолда, цитокинлар ўзгаришлар интенсивлиги ҳам солиштирилаётган гуруҳчадан ишонарли даражада пастлиги билан ажралиб турган (P<0,001). Юқорида келтирилган фактлар УБ-нурланишни маҳаллий қўллаш тажрибада лаборатория ҳайвонлари иммун тизимига ижобий таъсир этиб, ушбу тизимдаги зўриқишни кескин пасайтирган, кўрсаткичарнинг меъёрий параметрлар томонга пасайишига олиб келган. Демак, УБ-нурланиш иммун тизимига бевосита ва билвосита таъсир қилиш хусусиятига эга.

Йирингли яраларда цитокинларни қиёсий ўрганишда қуйидаги хусусиятлар аниқланган: биринчидан, цитокинлар ошиши тенденцияси бир хил бўлса ҳам, ўзгаришлар интенсивлиги граммусбат коккларда грамманфий бактерияларга нисбатан ишонарли юқори бўлган; иккинчидан, УБ-нурланишни маҳаллий қўллаш ҳар иккала цитокинлар миқдорларининг ишонарли равишда кескин пасайишига сабаб бўлган, аммо шунда ҳам меъёр чегараларига етмаган; учинчидан, ушбу тақиқотларда IL-10 миқдори IL-1β концентрациясидан барча ҳолатларда статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада юқори бўлган.

Қиёсий таҳлил жараёнида асосий ва таққослаш гуруҳларида иммун тизимдаги ўзгаришларни назорат гуруҳи натижаларига нисбатан ҳисоблаб, улар неча марта фарқ қилиши ҳисоблаб чиқилган (4-жадвал).

4-жадвал

Тажрибавий йирингли яралар чақирилганда УБ-нурланиш олган ва олмаган лаборатория ҳайвонлари иммун тизими кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ		Таққослаш гуруҳи	
	1а гуруҳча, n=20	1б гуруҳча, n=20	2а гуруҳча, n=20	2б гуруҳча, n=20
IgA	1,03* ↔ ↓	1,04 ↔ ↑	1,27* ↓	1,24* ↓
IgG	1,59* ↑	1,43* ↑	1,27* ↑	1,12* ↑
IgM	1,51* ↑	1,27* ↑	1,44* ↑	1,19* ↑
IgE	1,06 ↔ ↓	1,06* ↑	1,09* ↑	1,02 ↔
IL-1β	1,97* ↑	1,80* ↑	20,85* ↑	15,85* ↑
IL-10	3,36* ↑	3,77* ↑	37,46* ↑	28,14* ↑
Прокальцитонин	1,00 ↔	1,00 ↔	2,00* ↑	1,00 ↔

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан ишонарли фарқ белгиси; ↑, ↓ - ўзгаришлар йўналишлари; ↔ - ишонарли фарқ мавжуд эмас.

Асосий ва таққослаш гуруҳларидаги фарқлар нисбати йирингли яралар, улар кўзгатувчилари ҳамда УБ-нурланишни маҳаллий қўллашнинг иммун тизимига таъсир даражасини яққол кўрсатган, гуруҳлар ва гуруҳчалар орасида тафовутлар эса юқорида келтирилган қонуниятлар чиқаришга асос бўлган. Ушбу 7 та кўрсаткичлар орасида юқори сезгирлик ва махсусликка эга маркёрлар сифатида IgE, прокальцитонин, IL-1β ва IL-10 каби параметрлар келтирилган, улардан йирингли яралар шаклланиши яллиғланиш жараёни ривожланиши, ушбу яралар кўзгатувчилари таъсир даражасини ўрганиш ва баҳолаш мақсадида диагностик ва прогностик маркёрлар сифатида фойдаланиш тавсия этилган.

